



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 230 (11.791)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислохотлар оқимида

РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ

«Вестон-Азия» масъулияти чекланган жамиятида бетондан беш хил турдаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш, рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди жамият раҳбари Мурод Абдуллаев. — Хусусий ва кичик бизнес давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани туфайли корхонамизда ҳам замонавий технологиялар жорий этилиб, янги ускуналар ўрнатилмоқда. Шунга монанд корхонамизда меҳнат

қилаётган 12 нафар ишчи-хизматчиларнинг бари малака ошириш борасида махсус курсларда ўқитилди.

Корхонада немис технологияси асосида қатор афзалликларга эга бўлган вибропрессли маҳсулот тайёрланади. Истеъмолчи талабига кўра турли рангдаги брусчатка, шлакоблок, бордюр ишлаб чиқарилиши ҳам йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонада синов лабораторияси ҳам фаолият кўрсатиб, малакали мутахассислар томонидан ҳар бир маҳсулот тажриба жараёнида текшириб

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперациясини ривожлантиришга бугунги кунда катта эътибор қаратилаётир.

борилади. Бунёдкорлик ашёларининг оммавий ишлаб чиқаришда мамлакатимиз иқлим шароити ҳам ҳисобга олинади. Сирасини айтганда, маҳсулот хариддорлигини таъминлашда синов лабораторияси яқин хулосалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, текширишлар асосида маҳсулотга кафолат берилади, хизмат муддати эса таркиби тизимли таҳлил қилиш асосида белгиланади.

Бугунги кунда бунёд этилаётган бино ва иншоотлар кўркини оширишда миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда безатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сифат бош мезон бўлган «Вестон-Азия» МЧЖ буюртмачилари қаторига кўплаб йирик қурилиш компаниялари қиради. «Габус» ҚИЖ, «Лукойл» компанияси ваколатхонаси шулар жумласидандир.

Айни вақтда истиқболли лойиҳалар, янги маҳсулот турларини яратиш устида изланишлар давом этмоқда. Бу борда янги технологик линиялар ўрнатиш, ёшларга иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсад қилинган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Фахр

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 12-27 ноябрь кунлари бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Халқаро Олимпия кўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши шафёлигида замонавий олимпия ҳаракатининг «Бирдамлик, тинчлик, дўстлик» аънанаси асосида ўтказилган бу йилги спорт анжумани Осиё ўйинлари тарихидаги энг йирик мусобақа бўлди. Унда қитъамизнинг қирқ беш мамлакатидан ўн минг нафардан зиёд атлет спортнинг 42 тури бўйича 476 медаллар жамланмаси учун беллашди.

Гуанчжоуда 224 нафар ҳамюртимиз спортнинг 29 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси таркиби асосини мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларида кашф этилган ва халқро майдонда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган навқирон ва зарбардаст спортчилар ташкил этди.

(Давоми 4-бетда)



«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ушбу форум Республика Болалар ижтимоий мослашувчи маркази, «Sen Yolg'iz Emissar» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари, БМТнинг гиёванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Форум ишида таълим, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларнинг вакиллари билан бирга АҚШ, Буюк Британия, Россия, Украина, Исроил, Арманистон каби давлатларнинг мутахассислари, эксперт ва олимлари иштирок этмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни тараққий эттириш ва демократлаштириш жараё-

2010 йил — Баркамол авлод йили

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ТАРБИЯ АСОСИ

Тошкентда «Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод тарбиясининг асоси» мавзuida халқаро форум бошланди.

нида давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш барча жабҳалардаги ютуқларда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосланган, босқичма-босқич, тадрижий тарзда кечаётган ушбу ижобий ўзгаришлар халқимизнинг мақсад-муддаоси, орзу-интилишларига ҳамоҳанг экани, кучли ижтимоий йўналтирилгани, бунда аҳолининг ҳар бир қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ ва манзилли тарзда ҳимоялаш устувор ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Форумда сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Делмот ёшлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етказиш масаласи жаҳон миқёсида тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ривожланган давлатлар сафига қўшилиш, мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, шу асосда фуқаролар учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги стратегик вазифалари деб би-

лувчи Ўзбекистонда таълим-тарбия, маънавий-маърифий, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида рўй бераётган улкан ўзгаришлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига уйғундир. Бу жиҳатлар аҳолининг олтимши фоиздан кўпрогини ташкил этувчи ёшларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ни муҳофазалаш, уларни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, пухта таълим олиши, ўз қизиқиши, билим ва имконияти бўйича касб-хунар эгаллаши, кучли ижтимоий ҳимояланишида ўзининг эркин ифодасини топмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган ҳаражатлар ялпи ички маҳсулот-

нинг 10-12 фоизини ташкил этиши мазкур йўналишдаги эътибор ва ғамхўрлик, эзгу ишларнинг амалдаги ёрқин тасдиғидир. Жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳайитов, Бош прокурор ўринбосари А.Шарафиддинов, халқ таълими вазири А.Мараҳимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юртимизда ўн икки йиллик мажбурий таълимни жорий этишда, навқирон авлодга билим ва тарбия бериши сифат жиҳатдан мутлақо янги, юксак поғонага олиб чиқишда, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгу тафаккури, маънавиятининг юксалишида муҳим омил бўлаётганини қайд этишди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАҲОНДА

ЖАҲОНДА

● Гайанада бўлиб ўтган Жанубий Америка миллатлари иттифоқининг бир кунлик саммитида иштирок этган Колумбия президенти Хуан Мануэл Сантоа 2008 йилнинг баҳорида қўшни давлат Эквадор билан бутунлай узилган дипломатик алоқалар тўлиқ тиклангани ҳақида баёнот берди. Ўз навбатида Эквадор президенти Рафаэл Корреа ҳам дипломатик алоқалар тикланганини тасдиқлади.

● Мексикада сентябрь ойида бедарак йўқолган 20 нафар сайёҳнинг ўлимида алоқадорликда гумон қилинаётган Ковбой лақабли гиёвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи Карлос Гонсалес қўлга олинди.

● Хитой инфляцияга қарши курашиш мақсадида нефть, кўмир ва бошқа турдаги маҳсулотларни захирада сақлаб туришни тақиқлади. Ҳукумат шу йўл орқали хом ашё нархи ошиб кетишининг олдини олишни мақсад қилди.

● Кент университети геология бўлимининг маълум қилишича, дунёдаги энг қадимий майда қисқичбақа топилган. Унинг ёши 360 миллион йилга тенг бўлиб, узок йиллар мобайнида тошга айланган. «Aciculopoda tapesi» номи берилган янги топилманинг узунлиги 7,5 сантиметрни ташкил этади. Олимлар айни чоғда Шимолий Америка ва Гренландиядаги асрий қоятошлардан шу каби унутилган жонзотларни топиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз Конституцияси кунига бағишлаб ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар учун хайрия акцияси уюштирилди.

✓ **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Ўз мақсадининг сари илдам қадам ташла, ёш авлод» шиори остида давлатимиз Бош Қомуси қабул қилинган кун муносабати билан анжуман бўлиб ўтди.

✓ **«ЎЗБЕКЭНЕРГО»** ДАК ҳомийлигида Тошкент давлат техника университетининг энергетика факультети қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилди.

